Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 30 октябрь, № 228 (9399) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 29 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси ҳамроҳлигида амалий ташриф билан Анқара шаҳрига келди.



“Этимесгут” аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия вице-президенти Жавдат Йилмаз ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Анқара шаҳрига келган Президент Шавкат Мирзиёев дастлаб Туркиядаги ватандошларимиз билан самимий мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаёти, ўқиши ва келажак режалари билан қизикди.

— Яна бир бор ватандошларимни кўриб турганимдан хурсандман. Қаерда бўлманглар, бир дақиқа ҳам вақтингизни беҳуда ўтказманглар. Доимо илмга, билим олишга, ўрганишга интилинглар. Бу жонажон Ватанимиз, буюк Ўзбекистонимиз келажагига қўшадиган ҳиссангиз бўлади, — деди Президентимиз.

Мулоқотда ёшларга қаратилаётган эътибор мамлакатимизнинг узоқ истиқболи билан боғлиқ экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари улуғ аждодларимизнинг илмий мероси ва қадриятлари тикланаётганига тўхталиб, ватандошларимиз Янги Ўзбекистон тараққиётига кўмакдош бўлишига ишонч билдирди.

— Мен ватандошларимизни доимо соғиниб, эслаб юраман. Сизларнинг яхши яшашингиз, Ватанга қайтиб, унинг равнақига муносиб ҳисса қўша олишингиз учун Ўзбекистонда барча шароитни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Илм олиш, билим эгаллаш, уй-жойли бўлиш учун имкониятларни кенгайтиряпмиз, — деди Президент Шавкат Мирзиёев ва ватандошларимизга муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркиянинг миллий байрами — Республика куни муносабати билан бутун турк халқини қизғин муборакбод этиб, тинчлик-осойишталик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилади.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини, хусусан, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада мустаҳкамлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда барча даражаларда фаол мулоқотлар олиб борилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар ва авиақатновлар сони изчил ўсиб бормоқда. Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича мунтазам равишда қўшма тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Томонлар бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашни таъсис этиш, Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш, истиқболли лойиҳалар портфелини кенгайтириш ҳамда янги йўналишлар бўйича амалий ҳамкорликни изчил давом эттириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Етакчилар бўлажак тадбирлар режаси, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған музокаралар якунида Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашни таъсис этиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Бундан ташқари, кўп қиррали ва узоқ муддатли шерикликнинг турли йўналишларини қамраб олувчи икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланди. Хусусан:

— Имтиёзли савдо битими доирасида товарлар рўйхатини кенгайтириш тўғрисидаги баённома;

— Ижтимоий таъминот тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ва уни амалга ошириш бўйича маъмурий битим;

— 2022 йил 29 мартда имзоланган давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисидаги баённомага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қўшимча баённома.

Имзоланган ҳужжатлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, ишбилармон доиралар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда икки мамлакат фуқароларининг ижтимоий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси ҳамроҳлигида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар делегацияларининг раҳбарлари ва уларнинг рафиқалари билан биргаликда ТДТнинг Анқара саммити доирасидаги маданий дастурда иштирок этди.

Етакчилар Анқара шаҳридаги “Бештепа” мажмуасида Туркий давлатлар цивилизацияси боғини очиб бердилар.

Боғда ташкил этилган туркий давлатларнинг павильонларида анъанавий ўтовлар ва халқ амалий санъати намуналари намойиш этилмоқда. Улар туркий халқларнинг бой тарихий-маданий ва меъморий мероси, илм-фан ва маърифат соҳасидаги ютуқлари, ўзига хос анъаналари ҳамда ҳозирги даврдаги тараққиётини акс эттиради.

Давлат раҳбарлари туркий халқларнинг ёзма ёдгорлиги ҳисобланган қадимги Ўрхун битикларининг нусхаси билан танишдилар. Шу ернинг ўзида миллий ўйинлар, камончилар ва тарихий либослардаги жангчиларнинг чиқишлари бўлиб ўтди. Шундан сўнг давлат раҳбарлари эман кўчатларини экдилар.

Бундай ташаббуслар тарихий хотира ва маданий меросни асраб-авайлаш, авлодлар ўртасида узвийликни таъминлаш ҳамда маънавий қадриятлари ва анъаналари муштарак бўлган халқлар ўртасидаги биродарлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Шундан сўнг етакчилар “Malazgirt” марказига ташриф буюрдилар. Унинг номи туркий халқлар тарихида муҳим аҳамият касб этган 1071 йил 26 августдаги Малазгирт жангига ишорадир.

Олий мартабали меҳмонларга чавандозлар, акробатлар ва каскадёрлар, шунингдек, ташкилотга аъзо мамлакатлардан келтирилган отлар иштирокида эпик томоша намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити доирасида “OYAK” компанияси бош директори Мурат Ялчинташни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Туркия билан стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, бу жараёнда ишбилармон доира вакилларининг ўрни ва ҳиссаси беқиёс эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида туркиялик ҳамкор ҳар бир сармоядор учун катта имкониятлар майдонига айланиб бораётган Янги Ўзбекистонда кимё саноати, геология ва қурилиш соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қизиқиш билдирди.

Шунингдек, Янги Тошкентда туражой мажмуалари ва ташқи инфратузилма объектлари қурилишида фаол иштирок этишга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Evyap Holding” компанияси бошқарув кенгаши аъзоси Ўмер Эвьяпни қабул қилди.

Мулоқот чоғида компания раҳбари Янги Ўзбекистонда турк компаниялари учун яратилаётган қулай шарт-шароит ва тақдим этилаётган кенг имтиёзлар туфайли уларнинг сони йил сайин ўсиб бораётганини қайд этди.

“Evyap Holding” компанияси шахсий гигиена ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги бой тажрибасидан келиб чиқиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёрлиги билдирилди.

Учрашувда “OSTIM Global” Ўзбекистон — Туркия саноат зонасида йўлга қўйилаётган янги лойиҳани жадаллаштиришга келишиб олинди. Шунингдек, ишлаб чиқариш учун зарур хомашёни маҳаллийлаштириш имконияти атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “EKSIM Holding” компанияси бошқарув кенгаши раиси Эбубекир Тивниклини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари учрашув аввалида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди.

Мулоқот давомида қайта тикланувчи энергетика, геология ва тоғ-кон саноати, инфратузилма, электромобиллар учун қувватлаш станцияларини ташкил этиш ва озиқ-овқат саноати соҳаларидаги лойиҳаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, мамлакатимизда янги электр узатиш тармоқларини барпо этиш, геология йўналишидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Anadolu Group” холдинги бошқарув кенгаши раиси Камилхан Сулейман Язижини қабул қилди.

Учрашувда ушбу компаниянинг салқин ичимликлар ва автомобилсозлик соҳаларида Ўзбекистон бозорига киритган йирик инвестициялари мамлакатимиздаги ислоҳотларга бўлган ишончнинг яққол ифодаси экани алоҳида таъкидланди.

Жумладан, Самарқанддаги “СамАвто” корхонасини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва экспорт маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш бўйича қўшимча инвестиция лойиҳалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Туркиянинг йирик чакана савдо тармоғини Ўзбекистон бозорига олиб кириш, чорвачилик мажмуасини барпо этиш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби истиқболли йўналишлар ҳам кўриб чиқилди.

30 октябрь куни Ўзбекистон етакчиси Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити тадбирларида иштирок этади.

“Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остида ўтадиган анжуман кун тартибидан устувор йўналишлардаги кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Саммит якунлари бўйича Анқара декларацияси ҳамда ташкилот доирасида амалий шерикликни янада кенгайтиришга қаратилган битимлар тўплами қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ЎЗАРО ИШОНЧ – ТИНЧЛИК-ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Тожикистон Республикаси мезбонлигида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатларининг IV парламентлараро форумида иштирок этди.

Форум

Тадбир кун тартиби доирасида дастлаб Сенат Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси аъзолари Душанбе шаҳрида Исмоил Сомоний майдонида гул қўйиш маросимида иштирок этди ва тарихий шахс хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

“Тинчлик, хавфсизлик ва Марказий Осиё фаровонлиги йўлида бирдамлик” мавзуидаги форумда эса минтақа давлатлари парламентлари раҳбарлари ва делегациялари қатнашди.

Тадбирда Сенат Раиси Танзила Норбоева нутқ сўзлаб, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича муҳим таклифларни илгари сурди.

Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлашда давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. Эришилган келишувларнинг изчил ижросини таъминлашда парламентларнинг роли, умумий хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳамкорликни кучайтириш ва қонунчилик тажрибасини ўзаро алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, транспорт йўлакларини ривожлантириш, ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш, сув ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш каби устувор йўналишларга алоҳида урғу берилди.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг минтақавий ҳамкорликдаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг таълим олиши ва бандлигини таъминлаш ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида парламентлар ҳамкорлигини кучайтириш муҳимлиги ҳам қайд этилди.

Форум якунида минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, парламентлараро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича якдил фикр билдирилди.

«Халқ сўзи».

Депутатлар — ҳудудларда

МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўз сайлов округларида бўлиб, фуқаролар билан очиқ учрашувлар ўтказмоқда.

Маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокидаги тадбирларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, Президентимиз раислигида ўтказилаётган видеоселектор йиғилишларида белгиланган вазифаларнинг аҳамияти сайловчиларга етказилмоқда.

Бандлик ва тадбиркорлик — эътибор марказида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назира Мухторова Жиззах шаҳрида бўлиб, Бунёдкор маҳалласи “еттилиги” вакиллари билан учрашди.

Мулоқот давомида аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини кўтариш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳалла даражасидаги ижроси, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва фуқаролар ҳаёт сифатини яхшилаш борасидаги вазифалар юзасидан фикр алмашилди. Ўз навбатида, “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш, давлат органлари ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш масалаларига урғу берилди.

Депутат тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган оилаларнинг иш тажрибаси билан ҳам танишди. Хусусан, ижтимоий лойиҳа доирасида тикувчилик корхонасини ташкил этган Дилрабо Турдиеванинг фаолияти ўрганилди. Айни пайтда тадбиркор нафақат оилавий даромадни ошириш, балки бошқа хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

➡ 3

Туркий давлатлар ташкилоти:

УМУМИЙ ИЛДИЗЛАРГА ТАЯНГАН ШЕРИКЛИК

Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) билан ҳамкорлиги бугун иқтисодиёт, транспорт, технологиялар ва гуманитар соҳаларни қамраб олган кенг шериклик муносабатларига айланмоқда. Ташкилот доирасидаги ўзаро мулоқот аъзо давлатлар учун фақат биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш воситаси эмас. У савдо ва инвестицияни кенгайтириш, янги бозорларга чиқиш ҳамда минтақа давлатлари билан муштарак лойиҳаларни илгари суриш имкониятини ҳам беради.

Биз ва жаҳон

2009 йил 3 октябрда Нахичеванда асос солинган ТДТнинг асосий аъзолари — Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон. Венгрия ҳамда Туркманистон кузатувчи мақомида иштирок этади. Ташкилотнинг расмий рўйхатида Шимолий Кипр Турк Республикаси ҳам кузатувчи сифатида қайд этилган. Аъзо ва кузатувчи давлатларнинг иқтисодий салоҳияти, географик жойлашуви ва халқаро алоқалари турлича бўлса-да, умумий тарихий-маданий ришталар ҳамкорлик учун талай имкониятларни очади.

Энг асосийси, ТДТ билан яқинлашувни бошқа ташкилотларга муқобил ёки учинчи давлатларга қарши қаратилган сиёсий блок сифатида кўрмаслик лозим. Ўзбекистон учун муҳим бўлгани — ҳар бир ташаббуснинг миллий манфаатларга мослиги ва амалий натижа бериши. Ҳамкорликнинг муваффақиятини савдо ҳажми, амалга ошган қўшма лойиҳалар, янги иш ўринлари, транзит харажатларининг камайиши ва таълим алмашинуви каби ўлчанадиган кўрсаткичлар билан баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, Туркий давлатлар ташкилоти қисқа муддатда қардош халқларни бирлаштирган ноёб институтга айланди. 2009 йилда кенгаш сифатида ташкил этилган ва 2021 йилда ташкилот мақомини олган мазкур тузилма давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб боряпти. Умумий майдони 4,25 миллион квадрат километр ва аҳолиси тахминан 160 миллион кишини бирлаштирган ТДТ бугунги кунда туркий дунёнинг геосиёсий таъсирини кучайтирувчи муҳим минтақавий бирликка айланаётгани кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда.

➡ 2

МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКАДА ИНСТИТУЦИОНАЛ КУЧ ВА ПРОФЕССИОНАЛ МЕЗОНЛАР МАКТАБИ

35 йил Халқ билан ҳамнафас!

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари ташкил этилганининг 35 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб турли учрашувлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Анжуман

Пойтахтимизда уюштирилган халқаро илмий-амалий конференция ана шундай тадбирлардан бири бўлди. “Халқ сўзи” ва “Народное слово” феномени: миллий журналистикада институционал куч ва профессионал мезонлар мактаби” мавзуидаги мазкур анжуманда давлат бошқаруви органлари вакиллари, сенаторлар, депутатлар, миллий ва халқаро журналистлар, медиа соҳаси мутахассислари, олимлар, тадқиқотчилар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари қатнашди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг таҳририятга табриклари ўқиб эшиттирилди.

Конференция миллий журналистиканинг шаклланиши ҳамда тараққиётида “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарининг ўрнини илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг бой тарихий тажрибасини ўрганиш, замонавий медиа маконида босма нашрларнинг институционал аҳамияти ва профессионал масъулиятини муҳокама этишга бағишланди.

Таъкидланганидек, 1991 йил 1 январдан мунтазам чоп қилинаётган газеталар мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётини ёритиб келаётган нуфузли расмий ахборот манбалари ҳисобланади. Йиллар давомида ушбу нашрлар саҳифаларида давлат ва жамиятдаги муҳим ўзгаришлар ўз ифодасини топмоқда, қонунчиликдаги янгиликларни кенг жамоатчиликка етказиш, ўқувчиларга ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда ижтимоий мулоқотни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

➡ 2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 30 октябрь

Туркий давлатлар ташкилоти:

УМУМИЙ ИЛДИЗЛАРГА ТАЯНГАН ШЕРИКЛИК

1 Асос солинганидан буён ташкилот саммитларида кўтарилган кўплаб ташаббуслар босқичма-босқич амалга оширилаётир. Масалан, транспорт-логистика йўналишида “Ўрта йўлак”ни ривожлантириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва электрон рухсатнома тизимини жорий этишга устувор аҳамият берилди. Энергетика, “яшил” иқтисодиёт, маданий-гуманитар алмашинув йўналишларида ҳам аниқ лойиҳалар амалга ошириляпти. Умуман олганда, туркий давлатлар транзит ва транспорт, экология, спорт, фан, таълим соҳаларида кенг қамровли ривожланиш режасини ишлаб чиқишга киришди. Ўзаро ёрдамга асосланган гуманитар блокнинг иши тизимли: ТуркПА, Туркий сармоя жамғармаси, Туркий тиллар академияси, ТУРКСОЙ каби ҳуқуқий ва сиёсий институтлар ўз базасини кенгайтирмоқда. Ўзбекистон бу институтнинг мустаҳкамланиши масаласида доимо аниқ ва қатъий позицияни эгаллаб келган.

Кучайиб бораётган геосиёсий бекарорлик ва эски халқаро архитектуравий қурилмаларнинг бузилиши шароитида тузилма олдида устувор вазифалар бор. ТДТ минтақавий институтдан кун тартибини шакллантиришга ва барқарорлик омили ролини ўйнашга қодир бўлган асосий глобал ўйинчилардан бирига айланиши керак. Шу маънода, иттифоқчилик алоқаларини чуқурлаштириш, умумий этномаданий асосга эътибор қаратиш, иқтисодий ва демографик салоҳиятга ҳамда транспорт-логистика инфратузилмасига суяниш, шунингдек, сиёсий барқарорлик ва интеграцияга интилиш кучайиб бормоқда.

Ўз йўлини маслаҳатлашув платформаси сифатида бошлаган ТДТ формати охирги ўн йил ичида сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бугунги анъанавий иттифоқ блокларининг заифлашуви, глобал институтларга бўлган ишонч инқирози ва минтақавий ҳамжамиятларнинг кучайиши фонида туркий давлатлар тарихий ва маданий алоқалар асосида яқинлашиш қобилиятини намоён этди.

Глобал кун тартибида — Ўзбекистон ташаббуслари

Ўзбекистон 2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига аъзоликка расман қабул қилинганидан бери тузилма фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган ўнлаб муҳим ташаббусларни илгари сурди ҳамда унинг энг фаол аъзоларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг расмий ва норасмий саммитларида мунтазам иштирок этиб келади. Хусусан, 2022 йилда Ўзбекистоннинг ТДТда муваффақиятли раислик қилиши ва мазкур ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари ишtирокидаги саммитнинг самарали ташкил этилгани Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти ва кўп томонлама дипломатиясида янги саҳифа очди.



2023 йил 3 ноябрь куни Қозоғистонда Туркий давлатлар ташкилотининг ўнинчи саммитида Президент Шавкат Мирзиёев ташкилотнинг энг олий мукофоти — Туркий дунё олий ордени билан тақдирланди. Мазкур мукофот Ўзбекистон етакчисининг туркий дунёни бирлаштиришдаги фаоллиги ва ташаббускорлигига берилган юксак баҳодир. Туркий давлатларнинг иқтисодий шериклик бўйича Доимий кенгашини тузиш ва унинг Лойиҳа офисини Тошкентда жойлаштириш, янги иқтисодий имкониятлар маконини шакллантириб, Туркий давлатларнинг Саноат альянси, “Туркий яшил йўлаклар” тизими ва “Яшил трансформация” консорциумини ташкил этиш ташаббуслари ҳамжамият аъзолари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Доимий кенгаш ва Лойиҳа офиси иқтисодий лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш учун мустаҳкам платформа яратади. Бу эса савдо, инвестиция ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Саноат альянси туркий давлатлар ўртасида саноат кооперациясини кучайтиришга ва рақобатбардош саноат тармоқларини яратишга ёрдам беради. “Туркий яшил йўлаклар” тизими савдо жараёнларини соддалаштиради, божхона тартиб-қоидаларини уйғунлаштиради ва товарларнинг тез ҳамда самарали ҳаракатини таъминлайди. “Яшил трансформация” консорциуми туркий давлатларни экологик тоза технологияларни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва барқарор ривожланишга ундайди. Бу ташаббуслар туркий давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ролини мустаҳкамлайди ва уларнинг глобал муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокини кенгайтиради.

Шу нуқтаи назардан, жорий йил 15 май куни Туркий дунё маънавий пойтахти — Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган “Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш” мавзуидаги ТДТ норасмий саммити мавжуд ҳамкорликни замонавий босқичга олиб чиқиш, рақамли трансформация ва СИ соҳасидаги шерикликни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим сиёсий мулоқот майдонига айланди. Давлатимиз раҳбари СИ жаҳон иқтисодиётининг янги ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида шаклланаётган бир пайтда мамлакатимиз томонидан тузилма доирасида сунъий интеллект бўйича стратегик ҳамкорлик тармоғини яратиш, “Рақамли туркий йўлак” концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда пойтахтимизда ТДТ Технология форумини ўтказиш ташаббусларини илгари сурди.

Ушбу таклифлар рақамли маконни интеграциялаш, инновацион экотизимни ривожлантириш ва юқори технология йўналишида умумий салоҳиятни бирлаштиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида тарихий мерос ва замонавий тараққиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида гапириб, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Мирзо Улуғбек каби буюк алломаларнинг илмий мероси бугунги СИ ривожининг илмий пойдевори эканини қайд этди.

Яна бир муҳим ташаббус — илмий ва маданий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази негизида ТУРКСОЙ ва Туркий академия билан ҳамкорликда тарихий-маданий манбаларни ягона “улкан маълумотлар” платформасига жамлаш таклифи. Шу орқали туркий халқларнинг умумий илмий ва маданий меросини замонавий технология асосида сақлаш ва тадқиқ қилиш учун янги имкониятлар пайдо бўлади. Ёшлар масаласига қаратилган ташаббуслар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу соҳада “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури, ёшларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон томонидан ташкил қилинаётган Қўшма венчур жамғармага бошқа аъзо давлатларни ҳам жалб этиш таклифи келажакда туркий маконда замонавий билимлар ривожига хизмат қилади.

> *“Ўзбекистон 2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига аъзоликка расман қабул қилинганидан бери тузилма фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган ўнлаб муҳим ташаббусларни илгари сурди ҳамда унинг энг фаол аъзоларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг расмий ва норасмий саммитларида мунтазам иштирок этиб келади. Хусусан, 2022 йилда Ўзбекистоннинг ТДТда муваффақиятли раислик қилиши ва мазкур ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокидаги саммитнинг самарали ташкил этилгани Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти ва кўп томонлама дипломатиясида янги саҳифа очди.”*

Транспорт ва логистика соҳасидаги ташаббуслар ҳам минтақавий интеграцияни янада ривожлантиришга қаратилган бўлиб, айни йўналишда “E-Permit” электрон тизимини тўлиқ жорий этиш, божхона маълумотини рақамлаштириш ҳамда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли билан боғлаш бўйича илгари сурилган таклифлар юк ташиш жараёнини соддалаштиради. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган экологик ва хавфсизлик ташаббуслари ҳам бугунги глобал кун тартибига тўла мос келади. Шундан келиб чиқиб 2027 йилни туркий дунёда “Табиатни асраш йили” сифатида эълон қилиш ташаббуси илгари сурилди. Бундан ташқари, сунъий йўлдош маълумотлари асосида иқлим мониторинги тизимини яратиш, сув ресурсларини бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳамда Киберхавфсизлик ва рақамли инфратузилма ҳимояси бўйича Туркий альянс ташкил этиш таклифлари ТДТ доирасида замонавий таҳдидларга қарши янги ёндашувлар шаклланаётганини намоён қилади.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўрта йўлак”ни ривожлантириш ва уни Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ҳамда Трансафғон йўлаги лойиҳалари билан боғлаш таклифи минтақанинг транзит салоҳиятини ошириш ва иқтисодий интеграцияни кучайтиришга қаратилган. “Ўрта йўлак” — Хитойдан Европага Марказий Осиё ва Каспий денгизи орқали ўтувчи муҳим транспорт йўналиши. Унинг ривожланиши минтақада савдо алоқаларини кенгайтириш, экспорт-импорт операцияларини осонлаштириш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, божхона тартиботларини рақамлаштириш ва тарифларни оптималлаштириш ҳам “Ўрта йўлак”нинг самарали фаолиятини таъминлаш учун муҳим. Рақамлаштириш жараёнларни тезлаштиради, бюрократияни камайтиради ва коррупция хавфини пасайтиради. Тарифларни оптималлаштириш эса транспорт харажатларини камайтириб, “Ўрта йўлак”дан фойдаланишни жозибали қилади.

ТДТ мамлакатлари рақамлаштириш жараёнига мослашган ва тайёргарликни бошлаган. Хусусан, улар “Ўрта йўлак”да юк ташиш ҳажмини ошириш бўйича божхонани рақамлаштириш юзасидан умумий келишувга эришишга яқин. Дарҳақиқат, Транскаспий йўлини ва туркий давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқни ривожлантириш божхона ислоҳотисиз мумкин эмас. Шу муносабат билан ахборот алмашинуви учун техник шарт-шароитларни жорий этиш ва ваколатли иқтисодий операторлар институтини ривожлантириш тавсия қилинади. Бундан ташқари, “Ягона дарча” тизимини қўллаш, божхона соҳасида замонавий воситалардан унумли фойдаланиш керак деган фикр кенг тарқалган. Давлатимиз раҳбари туркий давлатларни рақамлаштириш билан шуғулланишга узоқ вақтдан бери чақириб келади. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, умуман, туркий давлатлар учун катта аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг фикрича, 2028 йилга бориб рақамли иқтисодиёт ҳажми 16,5 трлн. долларга етиб, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 17 фоизини ташкил қилади. Яъни рақамлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўзга яққол ташланади.

Аниқ лойиҳалардан фаровонлик сари

Туркий давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар Ўзбекистон тадбиркорлари учун йирик бозорларга чиқиш имконини беради. Савдони соддалаштириш, стандартлар ва божхона жараёнларини мувофиқлаштириш маҳсулот етказиб беришни енгиллаштириши мумкин. Қўшма инвестиция лойиҳалари эса тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва хизматлар йўналишида янги ишлаб чиқариш занжирларини яратишга кўмаклашади. Бундан мақсад фақат тайёр маҳсулотни сотиш эмас, балки ҳамкор мамлакатларнинг ресурслари, технологиялари ва бозорларини боғлаб, биргаликда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Ташкилот доирасида анъанавий ва қайта тикланувчи энергетика бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, энергия самарадорлигини ошириш ва минтақавий инфратузилмани ўзаро боғлаш имкони бор. Шунингдек, рақамлаштириш, сунъий интеллект, электрон тижорат ва киберхавфсизлик йўналишларида тажриба алмашиш Ўзбекистоннинг технологик тараққиётига ҳисса қўшиши мумкин.

Умумий тил ва маданий мерос таълим, илм-фан, туризм ва ёшлар алмашинувини ривожлантиришга қулай замин яратади. Университетлар ўртасида қўшма дастурлар, илмий тадқиқотлар, талабалар алмашинуви ва касбий тайёргарлик бўйича шериклик ёшларга янги имкониятлар очади. ТДТ учун ҳам Ўзбекистон иштироки жуда муҳим. *Биринчидан,* мамлакат Марказий Осиёнинг аҳоли сони йирик ва стратегик жойлашувга эга давлатларидан бири сифатида ташкилотнинг минтақавий мавқеини мустаҳкамлайди. Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан яқин алоқалари ТДТни фақат туркий давлатлар ўртасидаги маданий формат эмас, балки кенгроқ минтақавий ҳамкорлик майдонига айлантириш учун ёрдам беради.

Иккинчидан, Ўзбекистон катта ички бозор, саноат ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини таклиф этади. Бу туркий давлатлар компаниялари учун инвестиция, ишлаб чиқариш ва савдо ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятидир.

Учинчидан, мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари, илмий ва маданий мероси ташкилотнинг гуманитар кун тартибини бойитади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент каби шаҳарлар маданий мулоқот, таълим ва туризм лойиҳалари учун муҳим майдон бўла олади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон ташкилот ичида мувозанатли ва амалий ёндашувни илгари сура олади. Турли ташқи шериклар билан ҳамкорлик қилиш тажрибаси ТДТнинг очиқ, инклюзив ва бошқа халқаро форматларни тўлдирувчи тузилма сифатида ривожланишига кўмаклашади.

Демак, бугунги кунда ТДТ — ўсиб бораётган сиёсий ва институционал аҳамиятга ва катта салоҳиятга эга тўлақонли ташкилот. Бу салоҳият нафақат умумий манфаатлар ва сиёсий интилишларнинг мослигига, балки уни бошқа халқаро бирлашмалардан ажратиб турадиган бетакрор пойдеворга ҳам асосланган. Прагматик манфаатлар атрофида шаклланган кўплаб халқаро бирлашмалардан фарқли ўлароқ туркий давлатларни тарихий хотира, этник илдизлар ва маданий қариндошлик бирлаштиради. Бу омил нафақат рамзий бирликни таъминлайди, балки чуқур интеграция учун ҳам шароит яратади. У ТДТни ташқи зарбаларга ва ташқаридан бўлинишга уринишларга чидамли қилади.

Туркий давлатлар ташкилотининг ўзига хослиги яна шундаки, барча аъзо давлатларда сиёсий барқарорлик таъминланган ва ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатилган. Бу халқаро амалиётда камдан-кам учрайдиган ҳолат, яъни бирлашиш қарама-қаршиликларни бартараф этиш эмас, балки манфаатларнинг табиий уйғунлиги ва тарихий яқинлик асосида қурилиши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон учун ташкилот фаолиятини аниқ мазмун билан тўлдириш ўта муҳим.

Туркий давлатлар ташкилоти халқаро майдонда барқарорлаштирувчи ва ижобий таъсир кўрсата оладиган глобал “ўйинчи”га айланаётгани эътиборга молик. Гап нафақат ички масалалар билан шуғулланадиган, балки қўшнилар учун имкониятлар очиб берадиган, катта ҳудудда бошқаларга таҳдид солмайдиган, аксинча, кўпчилик учун ривожланиш манбаи бўлган тузилма ҳақида кетмоқда. Зеро, ҳамкорликнинг ҳақиқий қиймати умумий ришталарни аниқ лойиҳалар ва аҳоли фаровонлигига айлантира олишида намоён бўлади. Анқарада ўтадиган саммит ана шундай янги уфқларни очишда муҳим роль ўйнаши кутилмоқда.

Дилшодбек РУСТАМОВ,
Андижон давлат чет тиллар институти ректори, филология фанлари доктори, профессор.

МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКАДА ИНСТИТУЦИОНАЛ КУЧ ВА ПРОФЕССИОНАЛ МЕЗОНЛАР МАКТАБИ



Юнус БЎРИЕВ олган сурат.

1 — Газеталарнинг 35 йиллик фаолияти нафақат миллий матбуот тарихининг муҳим қисми, балки журналистикада масъулият, холислик, таҳлилий ёндашув ва сўз қадри каби профессионал мезонларнинг қарор топиши билан боғлиқ қимматли тажриба ҳамдир, — дейди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг таянч докторанти Ҳожарбиби Отабоева. — Бугун ахборот макони жадал ўзгараётган, рақамли платформалар ва сунъий интеллект медиа соҳасига тобора чуқур кириб келаётган бир шароитда анъанавий журналистиканинг жамият олдидаги вазифалари, ишончли ахборот манбаи сифатидаги ўрни тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, конференция нафақат ўтган йиллар сарҳисоби, балки миллий журналистиканинг келгуси тараққиёт йўналишларини белгилашга қаратилган муҳим илмий ва профессионал мулоқот майдони ҳам бўлди.

Анжуманда “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарининг миллий журналистика тизимидаги институционал ўрни ва тарихий миссияси, парламент журналистикасининг тараққиёт босқичлари, қонун ижодкорлиги жараёнларини ёритиш тажрибаси ва жамоатчилик билан мулоқот механизмлари таҳлил қилинди. Муҳокамаларда таҳририят фаолиятида профессионал стандартлар, журналистик этика, холислик ва ахборот учун масъулият, давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотларни ёритишда таҳлилий журналистиканинг аҳамияти, матбуот ва замонавий рақамли медиа ўртасидаги уйғунлик, сунъий интеллект даврида журналист касбининг ўзгариши, ахборот ишончлилиги ва медиасаводхонлик, кадрлар тайёрлаш, “Устоз — шогирд” анъаналари ва профессионал маҳорат мактабини ривожлантириш каби муҳим масалалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Тадбирда хорижий медиа соҳаси вакиллари, журналистлар, олимларнинг сана муносабати билан таҳририят жамоасига йўллаган видеотабриклари намойиш қилинди.

Шу куни Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари ташкил топганининг 35 йиллигига бағишланган тантанали бадиий кеча ҳам ўтказилди.

Тадбирда таҳририятнинг фаол ходимлари фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирланди.

Дилшод КАРИМОВ
(“Халқ сўзи”).

СОҒЛОМ МИЛЛАТ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Инсон саломатлиги жамият фаровонлиги, мамлакат тараққиёти ва халқ турмуш сифатини белгилайдиган энг муҳим омиллардан. Шу боис тиббиёт тизимини ривожлантириш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, тажрибали шифокорлар меҳнатини қадрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тиббиёт ва фармацевтика соҳаси ходимлари билан учрашувида белгиланган вазифалар соҳа олдида турган муҳим мақсадларни қамраб олди. Унда бирламчи тиббий ёрдамни такомиллаштириш, касалликларни эрта аниқлаш, замонавий тиббиёт стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва тиббиёт ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги ўн йилда мамлакатимизда 10 миллион аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги поликлиника ва шифохоналар ишга туширилиб, 58 мингта шифо ўрни яратилгани, тиббий хизматлар ҳажми уч баробар ошгани соҳа инфратузилмасидаги ўзгаришларни кўрсатади. Илгари хорижда бажарилган кўплаб мураккаб жарроҳлик амалиётларининг мамлакатимизда амалга оширилаётгани ҳам миллий тиббиёт имкониятлари кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Айни пайтда асосий вазифа нафақат замонавий тиббиёт муассасаларини кўпайтириш, балки уларда аҳолига қулай, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлашдан иборат. Чунки ислоҳотларнинг ҳақиқий натижаси, аввало, инсон саломатлигидаги ижобий ўзгаришларда намоён бўлади. Бунда бирламчи тиббий ёрдамни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этади. 28 та туманда синовдан ўтказилган янги тизим доирасида 7 млн. аҳолининг оилавий шифокорларга бириктирилиши, кафолатланган тиббий хизматлар доирасида 69 турдаги дори воситаларининг бепул берилиши аҳоли саломатлигини муҳофазалашда муҳим қадамдир. Ушбу тизимни келгуси йилдан яна 100 та туманда жорий этиш режаси тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш имконини беради.



Касалликларнинг олдини олиш ва уларни эрта аниқлаш ҳам энг устувор вазифалардан бири. Саратоннинг айрим турларини эрта аниқлаш дастурларининг босқичма-босқич кенгайтирилиши, инфаркт ва инсультни эрта аниқлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида беш ойда эрта ўлимнинг 15 фоизга камайгани бу йўналишнинг аҳамиятини кўрсатади. Келгусида бундай дастурларни барча туман ва шаҳарларда йўлга қўйиш аҳоли саломатлигини асраш имкониятларини янада оширади.

Шу билан бирга, “Янги Ўзбекистон тиббиёт стандартлари”нинг жорий этилиши тиббий хизмат сифатига нисбатан талабларни кучайтиришга қаратилган. Муассасаларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, беморлар хавфсизлигини таъминлаш, тиббий ходимларнинг муомала маданиятини юксалтириш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш кундалик фаолиятнинг муҳим мезонига айланиши лозим.

Тиббиётнинг ривожи, энг аввало, малакали кадрларга боғлиқ. Шу сабабли тиббиёт талабаларининг амалий тайёргарлигини кучайтириш, резидентура таълимини қўллаб-қувватлаш ва мутахассисларнинг малакасини мунтазам оширишга қаратилган ташаббуслар муҳим аҳамиятга эга. Хорижда тажриба орттирган ватандош шифокорларни мамлакатимизга жалб этиш, уларга замонавий иш шароитлари яратиш эса илғор билим ва технологияларни маҳаллий тиббиёт амалиётига олиб киришга кўмак беради.

Шифокорларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳам эътиборга молик масала. Узоқ йиллар соҳада хизмат қилган ходимларга уй-жой борасида ёрдам бериш, ёш мутахассисларнинг ипотека харажатларини қоплаш ва олис ҳудудларда ишлайдиган шифокорларни рағбатлантириш чоралари кадрларни сақлаб қолиш ҳамда ҳудудларда тиббий хизмат сифатини ошириш учун муҳимдир. Зеро, шифокорнинг меҳнати муносиб қадрланган жойда касбий масъулият ва беморга эътиборни кучайтириш учун ҳам имконият кенгаяди.

Бугунги тиббиётни рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларисиз тасаввур этиш қийин. Келгуси йилдан тиббиётнинг қатор йўналишларида сунъий интеллект тизимларини жорий қилиш режаси ташхис қўйиш, беморларни кузатиш ва дори воситалари хавфсизлигини назорат қилиш имкониятларини кенгайтириши мумкин. Бироқ бунда инсон ҳуқуқлари, тиббий маълумотлар махфийлиги ва шифокорнинг касбий масъулияти доимо устувор бўлиши шарт.

Албатта, тиббиёт соҳасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда парламент назорати, жамоатчилик фикри ва ҳудудлардаги ҳақиқий эҳтиёжларни ўрганиш муҳим. Аҳолига бепул дори воситаларининг ўз вақтида етиб бориши, олис ҳудудларда малакали мутахассислар етарли бўлиши, тиббий муассасаларда хизмат сифати ва хавфсизлиги таъминланиши доимий эътиборда бўлиши лозим. Зеро, ҳар бир ислоҳот инсон манфаатига хизмат қилгандагина ўзининг ҳақиқий мазмунини намоён этади. Тиббиётни ривожлантириш фақат шифохоналар қуриш ёки янги технологияларни жорий қилиш билан чекланмайди. У шифокор меҳнатини қадрлаш, бемор ҳуқуқларини ҳимоялаш, касалликларнинг олдини олиш ва ҳар бир фуқаро учун муносиб тиббий хизмат имкониятини яратишни ҳам англатади.

Соғлом миллат — мамлакатнинг энг катта бойлиги. Шу боис давлат, тиббиёт ходимлари ва жамиятнинг муштарак саъй-ҳаракатлари орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва инсон қадрини улуғлаш йўлидаги ишлар изчил давом эттирилиши зарур.

Дилбар СУВОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

Мамлакатимизнинг Покистондаги элчихонаси ташаббуси билан Ўзбекистон ҳудудларининг савдо-иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятига бағишланган «Uzbekistan Regions of Opportunity» номли каталог чоп этилди.

Сенат қўмитасида

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ВА БОЖХОНА ТИЗИМИДАГИ ТАҲЛИЛ



Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси тизимида 2025 йил ва 2026 йилнинг 9 ойида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати тўғрисидаги ахборот эшитилди.

Мажлисда таъкидланганидек, Автомобиль йўллари қўмитаси ва унинг тизим ташкилотларида мурожаатларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини назоратга олиш бўйича “1393” қисқа рақамли Call-марказ, “Шаффоф йўл” платформаси ва электрон ахборот тизимлари фаолияти йўлга қўйилган.

Раҳбарият томонидан ўтказилган еттита сайёр қабулда 512 нафар фуқаро иштирок этиб, 130 та мурожаатнинг 107 таси жойида ижобий ҳал қилинган, 23 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Натижада жорий йилнинг 9 ойида Автомобиль йўллари қўмитасига келиб тушган мурожаатлар сони 20 фоизга камайиб, уларни қаноатлантириш кўрсаткичи 71,8 фоиздан 94,8 фоизга, мазмунан ижобий ҳал этиш эса 56,3 фоиздан 60,4 фоизга ошган.

Бироқ соҳада тизимли муаммолар сақланмоқда: мурожаатларнинг асосий қисми йўлларни қуриш ва таъмирлаш, ички йўлларни асфальтлаш ҳамда йўл белгиларини ўрнатишга тўғри келиб, 1 028 та такрорий ва 388 та жамоавий мурожаатлар (айниқса, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида) қайд этилган. Шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари бузилиши оқибатида прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган ва ишга қайта тиклашга оид мурожаатлар сони 60 фоизга ошган.

Божхона қўмитаси тизимида ҳам рақамлаштириш ва очиқликни таъминлаш борасида муайян ижобий натижаларга эришилган.

Тезкорликни таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтда “Онлайн маслаҳатчи” мессенжери, Call-марказ ва рақамлаштирилган марказлар фаолияти йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг 9 ойида келиб тушган 2 647 та мурожаатнинг 71 фоизи (1 879 таси) ижобий ҳал этилиб, 737 таси бўйича тушунтириш берилган.

Шунга қарамай, божхона назорати ва расмийлаштируви, божхона тўловларидан имтиёзлар олиш, кадрлар масалаларига оид муаммолар йилдан йилга ўтаётган энг кўп кўтарилаётган масалалар сифатида сақланиб қолмоқда.

Қўмита аъзолари муҳокамалар жараёнида мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўтарилаётган муаммоларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳал қилиш ва айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор таклифлар билдирди.

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Депутат сўрови институтидан самарали фойдаланиш, аҳоли мурожаатларини ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар ролини ошириш ҳамда масъул раҳбарларнинг ҳисобдорлигини кучайтириш масалалари Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан ўтказилган семинарда муҳокама қилинди.

Семинар

Унда маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этди.

Семинарда депутат сўровларининг мазмуни ва сифати, уларга ўз вақтида жавоб бериш, сўровлар натижаларини Кенгаш сессияларида кўриб чиқиш амалиёти таҳлил қилинди. Депутат сўровлари маиший масалаларни ҳал этишдан кўра ҳудудлардаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва масъул идоралар фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлашга йўналтирилиши зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, Халқ қабулхоналари ахборотларини, ҳокимлар ва ҳудудий давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда депутатлик назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Муаммоларни дастлаб доимий комиссияларда чуқур ўрганиш, уларни сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш ҳамда ҳар бир вазифа бўйича масъуллар ва аниқ муддатларни белгилаш муҳимлиги қайд этилди.

Семинар якунида маҳаллий Кенгашлар ва котибиятлар фаолиятини такомиллаштириш, депутатлик назоратининг таъсирчанлигини ошириш ва аҳоли мурожаатларини ҳал этишда амалий натижадорликни таъминлаш бўйича тавсиялар берилди.

МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова ўтказган фуқаролар қабули давомида бандлик, уй-жой, мажбурий ижро ва давлат органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ўнга яқин мурожаатлар кўриб чиқилди.

Сенатор қабули

Жумладан, фуқаро А. Рўзметов ва бошқа юртдошларимизнинг хорижда ишлаш ҳамда бандлик масаласига оид жамоавий мурожаати Миграция агентлиги вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Фуқароларга хорижда қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби тушунтирилиб, уларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

Шунингдек, Э. Мамажанова ва А. Тулоловнинг давлат органи мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари, С. Зиёдуллаевнинг мажбурий ижро масаласи юзасидан мурожаатлари қонунчиликда белгиланган тартибда ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш учун қабул қилинди.

Фуқаро Ш. Кенжаеванинг уй-жой билан боғлиқ мурожаати тегишли халқ депутатлари Кенгашига йўналтирилиб, унга амалий ёрдам кўрсатиш масаласи кўриб чиқилиши маълум қилинди ҳамда мурожаат сенатор назоратига олинди. Ва шу куннинг ўзида Бухоро вилояти адлия бошқармаси ва туман ҳокимлиги вакиллари билан ҳамкорликда мурожаатчининг набираларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни расмийлаштириш ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳал этилди.

Янгиер шаҳри ва Янги Наманган туманидан келган фуқароларнинг ижара шартномаси асосидаги тўловлари билан боғлиқ муаммоларига эса вилоят мутасаддилари билан ҳамкорликда ижобий ечим топилди.

Қабул якунида қўшимча ўрганиш талаб этиладиган мурожаатлар бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш ҳамда қонуний ечим топиш бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК

1

Учрашув давомида соҳага доир қонунчиликдаги янгиликлар, қуйи палатада кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, уларнинг аҳоли ҳаётидаги аҳамияти ва фуқаролар манфаатларини таъминлашдаги ўрни ҳақида тушунтиришлар берилди.

Қонунчиликдаги янгиликлар тушунтирилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари — Раъно Астанақулова, Шоира Ражабова ва Умид Ёқубхўжаевнинг Сурхондарё вилоятида аҳоли вакиллари, маҳалла фаоллари билан учрашувлари кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Депутатлар дастлаб Термиз шаҳридаги 24-умумтаълим мактабида бўлиб, муассасада ўқувчи-ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув жараёнининг ташкил этилиши ва мавжуд имкониятлар билан яқиндан танишди. Шунингдек, мактабнинг моддий-техник базаси, синфхоналарнинг ҳолати, муассасанинг куз-қиш мавсумига тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Раъно АСТАНАҚУЛОВА, депутат:



— Таълим муассасаларида муносиб шарт-шароитларни яратиш, ўқувчи-ёшларнинг замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаши учун зарур имкониятларни кенгайтириш долзарб вазифалардан биридир. Учрашув давомида мактаб масъуллари билан таълим жараёнини самарали ташкил этиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр алмашдик. Зеро, ёш авлоднинг сифатли таълим олиши ва ҳар томонлама камол топиши учун муносиб шароит яратиш келажагимизга қўйилган муҳим сармоядир.

Халқ талаби ҳақли талаб

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоиловнинг Наманган вилояти Давлатобод туманидаги Халқлар дўстлиги маҳалласи аҳолиси билан учрашувлари самарали кечди.

Жараёнда аҳоли томонидан кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати, электр тармоқлари ва ободонлаштириш масалалари юзасидан мурожаатлар билдирилди. Жумладан, маҳалла ҳудудидаги кўп қаватли уйларнинг том қисмини таъмирлаш зарурлиги кўтарилди. Бу масала давлат дастурига киритилган бўлса-да, ҳозирга қадар маблағ ажратилмагани сабабли таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган. Ёғингарчилик пайтида хонадонларга сув сизиб ўтиши аҳоли учун ноқулайлик туғдирмоқда.

Ушбу масала жойида тегишли мутасаддилар иштирокида атрофлича ўрганилиб, уни бартараф этиш бўйича вазифалар белгиланди. Шунингдек, мурожаатнинг ижроси депутат назоратига олинди.

Мулоқотлар давомида электр таянч устунларига тортилган кабелларнинг шикастлангани ва яроқсиз ҳолга келгани билан боғлиқ муаммо ҳам кўтарилди. Мазкур масала мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ўрганилиб, уни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Аҳоли бандлиги — устувор вазифа

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гўзал Самиева Шўрчи туманидаги “Best faxr mebel” корхонасида бўлиб, бу ердаги ишлаб чиқариш жараёни ва яратилган шароитлар билан танишди.

Ушбу корхонада “Устоз — шогирд” анъанаси асосида ўн нафарга яқин ёшлар касб-ҳунарга ўргатилмоқда. Айни пайтда ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса янги иш ўринларини яратиш, ёшларнинг касб маҳоратини ошириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш учун имконият яратади.

Гўзал САМИЕВА, депутат:



— Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътиборнинг энг муҳим ютуғи шундаки, инсон ўз меҳнати, ҳаракати билан ҳаётини яхшилай олишига ишоняпти. Президентимиз белгилаб бераётган вазифаларнинг натижаси ҳам, аввало, одамларнинг эртанги кунга ишончи, ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришга интилишида намоён бўлади. Депутат сифатида биздан талаб этиладигани эса шу имкониятлардан фойдаланишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига амалий кўмаклашишдир.

Учрашувлар давомида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчиликдаги янгиликлар юзасидан ҳам тушунтиришлар берилди.

Муҳим таклифлар илгари сурилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Беҳзод Тўхтамуродов Навоий вилоятидаги ўрганишлари давомида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва таълим муассасаларида яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Депутат Конимех туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, соҳа ходимлари билан учрашди. 38 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатаётган муассасада 600 нафардан зиёд тиббиёт ходимлари, жумладан, 123 нафар олий тоифали шифокор меҳнат қилмоқда.

Мулоқот давомида олис чўл ҳудудларида тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳолига ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатиш ва муассасанинг транспорт таъминотини яхшилаш масалалари муҳокама этилди. Хусусан, тиббиёт бирлашмасини “Volkswagen” русумли хизмат автомобили билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. Депутат мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича амалий чоралар кўриш муҳимлигини таъкидлади.

Беҳзод ТЎХТАМУРОДОВ, депутат:



— Президентимизнинг тиббиёт ва фармацевтика соҳаси ходимлари билан учрашувида белгиланган вазифалар, аввало, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва олис ҳудудларда тиббий ёрдамни яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Манзиллардаги ўрганишларимизда ҳам ушбу вазифалар ижроси, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Учрашувлар давомида депутат Навбаҳор туманидаги 4-мактаб фаолияти билан ҳам танишди. 460 ўринга мўлжалланган таълим муассасасида айни пайтда 360 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўрганиш давомида мактабнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги, иситиш тизими ва қозонхоналарнинг ҳолати кўздан кечирилди.

Тиббий хизмат ва таълимда ўзгариш бўлади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Пардаевнинг Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашувлари Жомбой туманидан бошланди.

Мулоқотлар давомида аҳоли вакиллари, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, ёшлар ҳамда маҳалла фаолларининг таклиф ва ташаббуслари тингланди. Хусусан, “Тўққизбой” маҳалла фуқаролар йиғинидаги учрашув чоғида ҳудудда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижроси, аҳолини қийнаб келаётган масалалар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди.

Маҳалладаги оилавий поликлиникани 2027 йилги дастурга киритиш орқали муассасада капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилгани қайд этилди. Бу эса маҳалладаги тиббиёт муассасасининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш, аҳолига сифатли ва қулай тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратишга хизмат қилади.

Депутатнинг “Нўш” маҳалла фуқаролар йиғинидаги учрашувида ҳудуддаги ислоҳотлар натижалари, аҳоли учун яратилаётган шароитлар ва мавжуд эҳтиёжлар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, янги лойиҳа асосида барпо этилган оилавий поликлиника фаолияти билан таништилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шароитлар кўздан кечирилди.

Тумандаги 6-умумтаълим мактабида ёшлар, педагоглар ва маҳалла фаоллари билан мулоқотда таълим муассасасидаги мавжуд муаммолар, таълим сифатини ошириш ва ёшлар учун янада қулай шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, бошланғич синф ўқувчилари учун қўшимча ўқув биносига эҳтиёж мавжудлиги билдирилди. Мазкур масала юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва унинг ечими бўйича амалий ишларни ташкил этишга келишиб олинди.

Ўқитувчилар билан мулоқот

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Жуманазар Отажонов, Ойбек Отамуратов Гурлан туманидаги 16-умумтаълим мактабида бўлиб, ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Учрашувда кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини янада ривожлантириш, ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Ўқитувчилар билан мулоқотда таълим сифатини ошириш, педагогларни қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўрганиш давомида билдирилган таклиф ва мурожаатлар ҳамда аниқланган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Ўқувчилар учун қулай таълим шароитларини яратиш, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш ва мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича зарур чораларни кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕК ТИЛИ ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТИЛИГА АЙЛАНАДИМИ?

Ҳар йили турли хил анжуманларда она тилимизнинг жозибаси, унинг нақадар бой ва бетакрор экани ҳақида кўп гапирамиз, сўз бойлигимиз билан фахрланамиз. Буларнинг барчаси ўринли, албатта. Бироқ бугунги шиддатли XXI аср — сунъий интеллект, замонавий тиббиёт ва фазовий технологиялар асри олдимизга мутлақо янги ва ҳаётий саволни кўндаланг қўймоқда: бугун ўзбек тилида замонавий илм-фан ва юқори технологиялар яратиляптими?

Мушоҳада



Бугун IT-паркларимиздаги ёш мутахассис янги дастур ёзаётганида, биолог олим тадқиқот олиб бораётганида ёки иқтисодчи ҳисоб-китобларни таҳлил қилаётганида қайси тилда фикрлайди ва қайси манбаларга таянади? Афсуски, аксарият ҳолларда ўзбек тилига эмас. Чунки у ишлатаётган илмий китоблар ҳам, глобал интернет базаси ҳам, у суҳбатлашаётган сунъий интеллект дастурлари ҳам, асосан, инглиз ёки рус лисонларида “гапиради”.

Тарихга бир назар ташлайлик. Бугунги кунда глобал ахборот технологияларининг асосини ташкил этувчи “алгоритм” тушунчаси буюк аждодимиз Муҳаммад ал-Хоразмий номидан олинганини барчамиз ғурур билан айтамиз. IX-X асрларда Марказий Осиё дунё илм-фанининг юраги эди.

Орадан асрлар ўтиб, XV асрда ҳазрат Алишер Навоий ўз давридаги “Туркий тилда чуқур асарлар яратиб бўлмайди, бу тил фақат оддий муомала учун” деган қотиб қолган қарашни парчалаб ташлади. “Хамса”-ни туркийда битиб, она тилимизнинг қудратини амалда исботлаб берди.

Бугун биз худди XV асрдаги каби тарихий чорраҳада турибмиз. Фақат бу галги синов ғазал ошёнида эмас, балки рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва аниқ фанлар майдонида кечмоқда. Афсуски, ҳозирги вақтда ҳам айримлар орасида “Ўзбек тилида мураккаб дастурлар ёки замонавий физикани тушунтириб бўлмайди, яхшиси чет тилида ўқиган маъқул” деган хавфли қараш учраб туради. Хўш, нега “алгоритм”ни дунёга берган замин фарзандлари бугун ўша илмни ўз она тилида ўрганишга қийналмоқда?

Инсон қайси лисонда илм ўрганса, унинг касбий тафаккури ўша тилда шаклланади. Бугун олийгоҳларимизда аниқ фанлар, тиббиёт, муҳандислик ва IT йўналишларида ўқиётган талабаларнинг энг катта дарди нимада? Албатта, ўзбек тилидаги замонавий ўқув адабиётларининг ўткир танқислигида! Техник йўналишдаги талабаларга бериладиган дарсликларнинг кўпи ё ўтган асрнинг 70 — 80-йилларидаги совет китобларининг ғализ таржимаси ёки интернет таржимон орқали ўгирилган қўлланмалардир. Оқибатда ҳақиқий билим излаган талаба мажбуран чет тилидаги манбаларга юзланади.

Яна бир оғриқли нуқта илм-фандаги баҳолаш тизими билан боғлиқ. Бугун ўзбек олими илмий даража олиши ёки грант ютиши учун нуфузли халқаро журналларда инглиз тилида мақола чиқариши шарт. Дунёга чиқиш учун бу тўғри талаб, албатта. Бироқ танганинг иккинчи томони бор: энг кучли олимларимиз ўзларининг сара тадқиқотларини инглиз тилида ёзиб, хорижда эълон қиляптию, аммо ўша кашфиётнинг ўзбекча баёни ўзимизнинг ёшларга етиб келмаяпти. Натижада ўзига хос “интеллектуал бўшлиқ” пайдо бўлмоқда: кучли мутахассислар ва олимлар хорижий тилда ишлаб, ўша забонда фикрлаяпти, ўзбек тилида эса фақат бошланғич ва умумий гаплар қолиб кетяпти. Дунёнинг етакчи университетларида бугун чоп этилган янги китоб олти ой ичида хитой, корейс ёки турк тилларида талабалар қўлига етиб борса, бизда бу иш ҳамон тарқоқ ва кўнгиллилар ташаббусига боғланиб қолган.

Бугун дунёни ҳайратга солаётган “ChatGPT”, “Gemini” каби сунъий интеллект дастурлари билан суҳбатлашган одам бир нарсани дарров сезади: улар инглиз ёки рус тилида мураккаб тиббий ташхисар қўяди, ҳужжатлар тузади, код ёзади. Аммо ўзбекчалаб жиддийроқ илмий савол берсангиз, жавоблар юзаки, жумлалар эса ғализ чиқади, баъзан эса йўқ сўзларни ўйлаб топади.

Нега шундай? Чунки сунъий интеллект ҳиссиёт билан эмас, интернетдаги маълумотлар ҳажмига қараб ишлайди. Инглиз ва рус тармоқда миллионлаб китоблар ва илмий мақолалар бор, ўзбек тилининг глобал интернетдаги улуши эса 0,1 фоизга ҳам етмайди. Бунинг устига, ўзбек тилининг рақамли ривожига иккита жиддий муаммо тўсиқ бўлмоқда.

Биринчиси — ёзувдаги хилмахиллик ва рақамли стандартлаштириш масаласи. Компьютер алгоритми учун кириллча “ўзбек тили” билан лотинча “o‘zbek tili” иккита бошқа-бошқа тилдир. Боз устига, шу пайтгача лотин ёзувимиздаги “O‘” ва “G‘” ҳарфларини кимдир оддий тирноқча, кимдир қўштирноқ билан ёзиб келди. Оқибатда, сунъий интеллект ва қидирув тизимлари учун биттагина “ўқувчи” сўзи интернетда беш-олти хил бегона сўз бўлиб кўринар ва шундоқ ҳам кам бўлган маълумотлар базамиз парчаланиб кетарди. Қувонарлиси, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштиришга қаратилган қонуннинг имзоланиши ушбу кўп йиллик технологик муаммога тарихий ечим берди. Алифбодаги тўртта ҳарфнинг ягона халқаро ва компьютер стандартларига мос равишда (O‘ → Ö, G‘ → Ğ, Sh → Ş, Ch → Ç) такомиллаштирилиши ва “бир товуш — бир ҳарф” тамойилига ўтилиши — рақамли тилшунослик ва сунъий интеллект алгоритмлари учун чинакам инқилобий қадам бўлди. Эндиликда IT-мутахассисларимиз олдида турган энг муҳим вазифа — барча операцион тизимлар, смартфон клавиатуралари ва сунъий интеллект конвертерларини тезкорлик билан янги ҳарфларга мослаштириш ҳамда шу кунгача кирилл ва аввалги лотин алифбосида яратилган рақамли меросимизни ягона электрон ўзанга бирлаштиришдир.

Шунингдек, компьютер тушунадиган ягона “Миллий тил корпуси”нинг очиқ эмаслиги. Тўғри, бу борада олимларимиз қатор лойиҳалар қилишди, грантлар олинди. Аммо уларнинг аксарияти фақат диссертация ва ҳисоботлар учун хизмат қилиб, “Google”, “Apple”, “OpenAI” каби дунё гигантлари фойдалана оладиган очиқ тизимга айланмади. Оқибатда дунёдаги энг машҳур овозли ёрдамчилар, замонавий автомобиллар ҳамон ўзбекча гапира олмайди. Бу шунчаки қулайлик эмас бу кўзи ожиз минглаб юртдошларимизнинг овозли дастурлар орқали она тилида билим олиш ҳуқуқи, банк, тиббиёт ва давлат хизматларини автоматлаштириш масаласидир.

Ўзбек тилини рақамли дунёда илм ва технология тилига айлантириш учун амалий ҳаракатларга ўтишимиз шарт. Бунинг учун, аввало, тилшунослар ва IT-мутахассисларни бирлаштириб, ўзбек лисонининг мукаммал рақамли ва овозли базасини яратиш ҳамда уни жаҳоннинг йирик технологик компанияларига очиқ тақдим этиш зарур. Шундагина барча замонавий қурилмалар ва сунъий интеллект дастурлари ўзбек тилида равон “гапира” бошлайди. Шу билан бирга, дастурчилар, муҳандислар ва тилшунослар онлайн ишлайдиган жонли платформа яратиш ҳамда “YouTube” ва ижтимоий тармоқларда ўзбек тилида илмий-оммабоп видеолар, таълим лойиҳалари қилаётган ёшларни махсус грантлар билан рағбатлантириш лозим. Виртуал маконни саёз ва маиший видеолар эмас, балки ёшлар тафаккурини ўстирадиган ўзбекча илмий контент тўлдиргандагина вазият ўзгаради.

Агар биз фарзандларимизга ўз она тилида мураккаб кодлар ёзиш, кашфиётлар қилиш ва замонавий технологиялар яратиш имкониятини бера олсак, ўзбек тили яна минг йиллар давомида дунёнинг энг барҳаёт забонлари сафида мағрур яшайди. Зеро, тилнинг ҳақиқий абадияти фақатгина шеърият ва қўшиқларда эмас, балки келажакни бошқарадиган илм-фан ва юқори технологиялар ичида намоён бўлади.

Ботирали ШОДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Тошкент вилоятида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида Жанубий Корея Халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан шерикликда сифатли кўчат етиштириш мақсадида «ақлли» кўчатхона ишга туширилди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 30 октябрь

ҚАШҚАДАРЁ: ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида ҳудуд муаммолари чуқур таҳлил қилиниб, аҳоли фаровонлиги, янги иш ўринлари ҳамда барқарор иқтисодий ўсишга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган йиғилишда илгари сурилган устувор масалалар вилоят тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан янада аҳамиятли. Қашқадарёни йил якунига қадар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсади қўйилгани эса янада эътиборга молик.

Акс садо

Бугун вилоятда саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалигида ўсиш кузатилмоқда. Бироқ унинг бой табиий ресурслари ҳамда инсон салоҳиятининг юқорилигини ҳисобга олганда, ҳозирги натижалар ҳали етарли эмас. Шу боис иқтисодий тараққиётнинг асосий вазифаси мавжуд хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш, яъни қўшилган қийматни ошириш ҳисобланади. Эндиликда газ, нефть, калий, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа хомашёни шу ернинг ўзида чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга устуворлик бериладиган бўлди. Бу эса ҳудуддаги ер ости бойликлари фақат ресурс сифатида сотилмасдан, замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилиши билан диққатга сазовор.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда “GTL” заводидаги янги лойиҳалар, нафтадан полимер ва нефть-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Деҳқонобод калий заводи қувватини кенгайтириш ҳамда кичик тоннажли кимёни ривожлантириш шу мақсадга қаратилган. 20 млрд. долларлик дастур ва 50 минг иш ўрни яратиш режаси вилоят иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради. Саноат кластерлари, эркин иқтисодий зона филиаллари, замонавий техника ҳамда агродронлар ишлаб чиқариш лойиҳалари маҳаллий тадбиркорлар учун янги имкониятлар очади.

Энг муҳими, бу ишлар йирик корхоналар атрофида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириб, ҳар бир маҳаллагача етиб бориши керак. Олтита саноат кластерининг ташкил этилиши ва “Қашқадарё” эркин иқтисодий зонаси филиалларининг очилиши маҳаллий тадбиркорлар учун янги бозор ва ҳамкорлик имкониятларини яратади. Бунда инфратузилма ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Эркин иқтисодий зона филиалларига дастлаб 250 млрд. сўм йўналтирилиши лойиҳалар учун зарур муҳандислик тармоқлари, йўллар ва электр таъминотини шакллантиришга хизмат қилади. Замонавий тракторлар, қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда агродронлар ишлаб чиқариш эса қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кўтаради.



«Яшил» энергетика ва аграр соҳа истиқболлари

Саноатнинг барқарор ривожи энергия таъминотига бевосита боғлиқ. “Масдар” компаниясининг 300 мегаваттли қуёш электр станцияси ҳамда энергия сақлаш тизимининг ишга туширилиши вилоятда “яшил” энергетика улушини оширади. Қарши туманида чиқиндидан электр энергияси олиш лойиҳаси эса экологик муаммоларни иқтисодий имкониятга



айлантириш намунасидир. Нишон ва Кўкдалада подстанциялар қурилиши, Толимаржон — Сўғдиёна йўналишидаги 245 километрлик электр тармоғини тортиш ишларини якунлаш янги ишлаб чиқариш қувватларини барқарор энергия билан таъминлашга ёрдам беради. Бу эса инвесторлар учун ишончли муҳит, аҳоли учун янги иш ўринлари ва ҳудуд учун юқори даромадли иқтисодиёт дегани.


Вилоятни ривожлантиришга қаратилган янги вазифаларда асосий эътибор аҳоли даромадини ошириш, қишлоқ ҳудудларида бандликни таъминлаш ва инфратузилмани яхшилашга қаратилган. Айниқса, қишлоқ хўжалигида қўшимча 200 минг кишини даромадли қилиш имконияти борлиги муҳим аҳамиятга эга. Саккизта тумандаги 100 минг гектар яйловдан самарали фойдаланиш, қурғоқчиликка чидамли чорва озуқаси етиштириш ва чорвачилик комплексларини ташкил этиш ҳудуддаги табиий ресурсларни иқтисодий фаолликка айлантиради.

Қолаверса, Гузорда 10 минг гектар ерни деҳқонларга бериш, космик маълумотлар асосида яна 30 минг гектар майдонни ўзлаштириш эса ердан оқилона фойдаланишга янги ёндашувни кўрсатмоқда. Бу жараёнда энг муҳим масала ер ажратишнинг ўзи эмас, балки унинг самарадорлиги, сув билан таъминлангани, бозор ҳамда қайта ишлаш корхоналари билан боғланганлигидир. Негаки, деҳқон етиштирган маҳсулотини сотиш ва даромад олиш имконига эга бўлсагина лойиҳалар барқарор натижа беради.

Қашқадарё шароитида сув масаласи алоҳида аҳамиятга эга. 265 километр канални бетонлаштириш, 20 та насосни янгилаш ва 75 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий этиш қишлоқ хўжалиги самарадорлигида муҳим ўрин тутади. Кичик сув ҳовузлари тажрибасининг яна бешта туманда кенгайтирилиши маҳаллий эҳтиёжларга мос амалий ечимдир. Бу нафақат сув йўқотилишини камайтиради, балки фермерларнинг иқлим ўзгариши ва қурғоқчилик хавфига чидамлилигини ҳам оширади.

Аҳоли учун 747 километр сув ва канализация тармоғи ҳамда 43 та иншоот қурилишининг якунланиши 200 минг кишини тоза ичимлик суви билан таъминлайди. Ҳисорак сув омборидан Қарши шаҳри ҳамда атроф туманларга сув тармоғи тортилиши яна 350 минг аҳолига хизмат қилади. Толимаржон — Муборак сув тизимининг реконструкцияси эса бешта тумандаги 700 минг кишининг сув таъминотини яхшилайди.

Ушбу рақамлар ортида инсонларнинг соғлиғи, турмуш шароити ва кундалик ҳаёти турибди. Шу боис сув инфратузилмаси иқтисодий лойиҳа бўлиш билан бирга, ижтимоий адолат ҳамда инсон қадри масаласи ҳамдир. “А-380” автомобиль йўлининг



вилоятдан ўтувчи 100 километрини реконструкция қилиш, Қарши айланма йўлини магистралга улаш ва темир йўл кесишмаларида замонавий йўлўтказгичлар қуриш ҳудудлараро алоқани яхшилайди. Зеро, яхши йўл — маҳсулотни бозорга тез етказиш, сайёҳлар оқимини ошириш ва аҳоли учун хизматлардан фойдаланишни осонлаштириш демак.

Чим маҳалласи тажрибаси ва касбий таълим

Айтиш жоизки, Қамашидаги Чим маҳалласида катта лойиҳалар амалга оширилиб, уларнинг самараси одамлар ҳаётида яққол кўринмоқда. Маҳаллада мактаб, боғча, поликлиника, ёшлар маркази ва спорт мажмуаси билан бирга, аҳоли бандлиги таъминлангани маҳаллабай ишлашнинг самарали моделидан дарак беради. Бу тажрибанинг ҳар бир туманда замонавий маҳалла марказлари орқали кенгайтирилиши эса тараққиёт сари ташланган муҳим қадам бўлади.

Дарвоқе, Қашқадарёдаги янги ташаббуслар бир-бири билан узвий боғланган. Ер ва сув — қишлоқ хўжалиги учун, йўллар — савдо ва туризм учун, маҳалла марказлари — аҳоли фаровонлиги учун, банклар эса бизнес ўсиши учун хизмат қилиши лозим. Энг муҳими, кредитлар қоғоздаги режаларга эмас, аниқ буюртма, пул оқими ва иш ўринлари яратадиган лойиҳаларга йўналтирилади. Шунда Қашқадарёдаги ислоҳотлар нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, балки ҳар бир оиланинг даромади ҳамда турмуш шароитида ҳам намоён бўлади.

Вилоятда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги иш ўринларини яратиш билан бир қаторда, ёшларни замонавий касбларга тайёрлашга эътибор қаратилаётгани, айниқса, қувонарли. Зеро, иқтисодий лойиҳаларнинг муваффақияти, аввало, уларни бошқарадиган ва ривожлантирадиган малакали кадрларга боғлиқ.

Қарши шаҳридаги Илғор касбий маҳорат техникумининг Германияда малака оширган 32 нафар устаси вилоятдаги 57 та техникум усталарини ўқитаётгани касбий таълимда янги ёндашув шаклланаётганини кўрсатади. Ўқувчиларнинг мактаб аттестати билан бирга, касбий сертификат олиши уларга меҳнат бозорида қўшимча имконият беради. Германиялик мутахассисларнинг тил ва касб ўргатаётгани эса ёшларни халқаро меҳнат бозорига тайёрлашга хизмат қилади. Мазкур жараёнда мактаб ва техникум ўртасида аниқ ҳамкорлик тизимини янада мустаҳкамлаш муҳим.

Ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятини эрта аниқлаш, уларга касблар ҳақида тўғри маълумот бериш, амалий машғулотларга жалб этиш ёшларнинг келажак касбини онгли танлашига ёрдам беради. Эътибор беринг, йил якунига қадар 500 нафар ёшни немис тилига ўқитиб, Германияда ҳақ тўланадиган амалиётга юбориш режаси ҳам таълим ҳамда халқаро тажрибани уйғунлаштириш намунасидир.

Яна бир муҳим жиҳат, қашқадарёлик ўқувчиларнинг халқаро ва республика миқёсидаги ютуқлари ҳам вилоятда таълимга қаратилаётган эътибор ўз натижасини бераётганини исботлайди. Қарши шаҳридаги Президент мактабининг “Cambridge” имтиҳонларида юқори натижа кўрсатгани, Абдулла Орипов номидаги ижод мактабининг “Заковат” турнирида ғолиб бўлгани, косонлик Муроджон Ҳалимовнинг “SAT” имтиҳонида юқори балл тўплагани ёшлар салоҳияти нечоғли юксак эканини кўрсатади.

Келаси йилдан ҳар бир туманда аниқ фанларни чет тилида ўқитадиган мактаб ташкил этилиши, робототехника тўгараклари очилиши ва ҳар йили чемпионат ўтказилиши ёшларнинг технологик тафаккурини ривожлантиради. Бу ташаббуслар келажакда муҳандислик, сунъий интеллект ва инновациялар йўналишида малакали мутахассислар етишиб чиқишига замин яратади.

Бир-бири билан уйғун лойиҳалар

Аҳамиятлиси, вилоятда Янги Қарши шаҳри ҳамда “Кўҳна Насаф” экомажмуаси барпо этиладиган бўлди. Бу ҳам истиқболли лойиҳалардан бўлиб, 500 минг аҳолига мўлжалланган Янги Қарши шаҳрини тиклашни ўз ичига олади. Бош режа асосида, аввало, аҳолига қулай яшаш муҳитини яратиш, транспорт, таълим, тиббиёт, спорт ва яшил ҳудудлар масаласи олдиндан пухта лойиҳалар асосида амалга оширилади.

Янги ҳудудларни “ақлли” ва “яшил” шаҳар тамойиллари асосида қуриш замонавий ҳаёт сифати учун муҳим. Қашқадарё тажрибаси асосида маҳаллаларда кўчат экиш ҳамда яшил ҳудудларни кўпайтириш ташаббуси эса шаҳарсозликни экологик маданият билан боғлайди. “Энг яшил маҳалла” танлови аҳоли, ёшлар ва жамоатчиликни ободонлаштириш ишларига кенг жалб этиши мумкин. Бунда асосийси — кўчат экиш билан бирга, уни парваришлаш, сув билан таъминлаш ҳамда узоқ муддат сақлаш тизимини ҳам йўлга қўйиш.

Қашқадарёда таълим, касб-ҳунар, инновация, шаҳарсозлик ва экология йўналишлари бир-бири билан уйғун ривожланмоқда. Билимли ҳамда касбли ёшлар, замонавий шаҳарлар ва “яшил” маҳаллалар вилоятнинг барқарор ҳамда фаровон келажагини таъминлайдиган асосий омиллардир.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи бизга нафақат катта режалар, балки улкан масъулият ҳам юклайди. Энди ҳар бир мутасадди, тадбиркор, маҳалла фаоли ҳамда фуқаро эзгу ташаббусларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Зеро, Қашқадарёнинг келажаги — саноат, замонавий қишлоқ хўжалиги, илмли ёшлар, обод маҳаллалар ва “яшил” шаҳарлар билан боғлиқ. Ҳудудни ривожлантириш бўйича вазифалар ижроси ҳамда изчиллиги воҳани камбағаллик ва ишсизликдан холи, замонавий саноат ҳамда агротехнологиялар марказига айлантиради.

Машъал САИДОВ,
Шаҳрисабз давлат педагогика институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

БИР ИХТИРО ҚИЙМАТИ

Рақамли технологиялар ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларига чуқур кириб бормоқда. Таълим ва фан соҳасини оласизми, давлат хизматлари ёки меҳнат бозориними, хуллас, барчасини рақамли муҳитсиз тасаввур этиш мушкул.

Изланиш

— Аммо бу қулай тизимнинг мавжуд имкониятларидан ҳамма ҳам бирдек фойдалана олмайди, — дейди Бухоро давлат техника университети масъул ходими Малика Шукруллаева. — Айниқса, кўриш имконияти чекланган фуқароларнинг электрон матн, рақамли дарслик, веб-сайт ёки бошқа ахборот ресурсларини мустақил қабул қилишлари учун қўшимча технологик ечимларга эҳтиёж сезилмоқда. Ана шундан келиб чиққан университетимиз жамоаси Брайль тизимида ишлашга мўлжалланган такомиллаштирилган электрон қурилмани ишлаб чиқди.

Лойиҳа раҳбари, университет ректори Садоқат Сиддиқованинг билдиришича, ғояни амалга ошириш жараёнида талабалар муҳандислик соҳасидаги билимларини реал ижтимоий муаммога қаратиб, янги технологик ечим топишнинг бевосита иштирокчисига айланди.



Шу тариқа назарий билим амалиёт билан уйғунлашди.

— Биламизки, Брайль тизими имконияти чекланган кишиларга ахборотни бармоқ сезгиси орқали қабул қилиш имконини берувчи универсал ёзув тизими саналади, — дейди лойиҳа координатори Мухлис Маҳмудов. — Анъанавий олти нуқтали Брайль катакчаси икки устун ва уч қатордан иборат бўлиб, унда турли комбинациялар ёрдамида ҳарфлар, рақамлар ва бошқа белгилар ифодаланади. Рақамли технологиялар ривожланиши билан эса Брайль тизимининг имкониятларини электрон муҳитга олиб кириш зарурати юзага келди. Биз таклиф қилаётган саккиз нуқтали тизимда икки устун ва тўрт қатордан иборат катакча қўлланилади. Қўшимча нуқталар рақамли муҳитда ишлатиладиган кенгроқ белгиларни ифодалаш имконини беради.

Қурилманинг ишлаш жараёни рақамли ахборот — маълумотни қабул қилиш — қайта ишлаш — Брайль кодига айлантириш — тактил дисплей — фойдаланувчи кетма-кетлигида йўлга қўйилган. У рақамли ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва тактил шаклда намойиш этишни таъминловчи модулли аппарат архитектураси асосида ишлаб чиқилган.

Биз қурилмани яратиш билан боғлиқ жараённинг ипидан игнасигача тўхталиш ниятида эмасмиз. Фақат кўз орқали қабул қилинадиган ахборотни бармоқ воситасида сезиладиган ахборотга айлантириш осон эмаслигини таъкидламоқчимиз. Электрон китоблар, рақамли кутубхоналар тобора урф бўлиб бораётган, давлат хизматлари кенгаяётган бугунги кунда ушбу қурилма имконияти чекланган фуқароларнинг таълим олиш, мустақил ахборот излаш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига қулайлик яратади. Бинобарин техник жиҳатдан ихчам ечимнинг ижтимоий аҳамияти ниҳоятда катта.

Лойиҳа ташаббускорларининг фикрича, келгусида мазкур технологияни электрон дарсликлар, рақамли кутубхоналар, олий таълим платформалари ва бошқа рақамли хизматлар билан интеграция қилиш, шунингдек, сунъий интеллект, овозли ва тактил интерфейслар ҳамда ўзбек тилидаги рақамли контент билан уйғунлаштириш имкониятлари мавжуд.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

СИРДАРЁДА КЎЧА БОҒЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Автомобиль йўллари бўйлари яшил манзара касб этишининг атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ўрни алоҳида. Сўнгги йилларда “Сирдарёйўлкўкалам” давлат муассасаси томонидан 231 километрлик маҳаллий, давлат ва халқаро аҳамиятга эга автойўлларнинг четлари кўкаламзорлаштирилди.

Интилиш

Бундай кўча боғларини яратишда Сирдарё вилоятининг иқлим ва тупроқ шароитига мос дарахт турлари танланмоқда. Хусусан, улар қаторида манзарали дарахтлар билан бирга жийда ва тут кўчатлари ҳам бор. Ниҳол қатор ораларига эса беда, арпа, маккажўхори экилаётир. Натижада сўлим яшиллик яратиш баробарида ердан самарали фойдаланишга ҳам эришиляпти. Эътиборлиси, йўл четига қадалаётган кўчатлар корхонанинг ўзида етиштирилган.

Маълумки, автойўлларнинг барча қисмида оқар сувлар мавжуд эмас. Бундай ҳудудлардаги кўчатлар ҳам ўз вақтида суғорилиб, баравж ривожланиши таъминланаётгани эътирофга лойиқ.

— Суғориш тармоқлари бормаган ҳудудлардаги кўчатларни суғоришга махсус автомашиналар орқали сув етказяпмиз, — дейди “Сирдарёйўлкўкалам” ДМ директори Абдумўмин Ҳожиев. — Шунингдек, ана



шундай ҳудудлардаги мавжуд артезиан қудуқлардан сув олинмоқда. Суғориш тизимини янада яхшилаш мақсадида полиэтилен қувурлар тортиляпти.

Экилган кўчатлар ташқи таъсирлар туфайли нобуд бўлишининг олдини олиш учун ҳар бир ҳудудга ишчи-ходим масъул этиб белгиланган. Шу билан бирга, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси хабарига кўра, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 139 та янги ижтимоий дорихона ва дорихона шохобчаси ташкил этилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 17 780 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.00 Топширилди — 04.05 1 2 3 4 5 6